

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Н.Бувақов

Турк хоқонлиги ва суғдлар (симбиоз ва ассимиляция жараёнлари: тарихшунослик таҳлили)..... 84

АДАБИЁТШУНОСЛИК**Н.Йўлдошев**

Чўлпоннинг бармоқ вазнидаги шеърлари..... 88

Г.Эрназарова

Медитатив шеъриятда тарихий ўтмиш ва аждодлар образининг метафориклашуви (А.Орипов шеърияти мисолида)..... 94

С.Жумаева

Ёрдамчи персонажларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари..... 98

Ҳ.Жўраев, С.Хўжаев

Образ, бадий-фалсафий ният ва ғоявийлик..... 102

А.Тўйчиев

Нурали Қобул ижодига умумий назар..... 106

ТИЛШУНОСЛИК**Ш.Искандарова, Ш.Ганиева**

Тил илмининг етук дарғаси..... 110

А.Мамажонов, А.Абдуллаев

Рамз ва унга ёндош ҳодисалар хусусида 114

Ғ.Хошимов, З.Қўчқорова

“Тўй” концепти вербализаторларининг лингвокогнитив майдони ва лингвокультурологик жиҳатларининг қиёсий тадқиқи 119

Н.Умарова

Навоий асарларида “сўз” концепти..... 126

И.Мадраҳимов

Тасниф – тадқиқотнинг ибтидоси ва интиҳоси..... 130

Д.Мадазизова

Сленг ва унга ёндош ҳодисалар..... 134

А.Саминов

Антитеза ва оксюморон усулларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида..... 138

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Н.Ўринова**

Ижтимоий-психологик тренинглار ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг инновацион технологияси сифатида 142

Ш.Бойханов

Табақалаштирилган таълимнинг талабалар паремиологик компетенциясини ривожлантиришдаги самарадорлиги 147

З.Позилжонова

Маданиятлараро мулоқот тушунчаси ва унинг шаклланиши..... 151

ИЛМИЙ АХБОРОТ**С.Муртазова**

XX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда мусиқа фани ва илмининг ривожини ҳамда намоёндалари фаолияти тарихидан..... 154

Н.Комилов

Ватан тараққиёти учун бағишланган умр (Қўқонлик жадид Обиджон Абдуҳолиқ ўғли Маҳмудов ҳақида) 157

М.Болтабоев

Советлар даврида диний конфессияларга бўлган муносабат тарихи 161

С.Юлдашев

VIII–X асрларда Фарғона водийси иқтисодий ҳаётининг араб манбаларида ёритилиши 164

education establishments and more hypotheses should not expect high paremiological should be suggested for secondary education in achievement from students unless facilitating the next investigations. Last but not least, we them what to learn and how to learn efficiently.

References:

1. Batirov B., Aliev S., & Azimov S., Differential learning in physics, European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 7 No. 12, 2019 Special Issue: Educational in Uzbekistan ISSN 2056-5852 Progressive Academic Publishing, UK Page 24 www.idpublications.org.
2. Differentiated instruction, Wikipedia contributors. (2020, February 7). Differentiated instruction. In Wikipedia, The Free Encyclopedia. Retrieved 17:08, February 24, 2020, from https://en.wikipedia.org/w/index.php?title=Differentiated_instruction&oldid=939588578
3. Erickson Ch.(2006), *Differentiated Instruction: Applying the Work of C.A. Tomlinson in the Primary Literacy Classroom*(Master's thesis Lakehead University) Retrieved from <https://dspace.library.uvic.ca/bitstream/handle/1828/2599/DI%20THESIS%20-%20Ch>
4. Evans V & Dooley J. (2007), *Enterprise 1: Student's book*, Express Publishing House, UK.
5. Frayer model, https://www.nbss.ie/sites/default/files/publications/frayer_model_-_vocabulary_strategy_handout_copy_3.pdf
6. Health proverbs, <https://proverbial.com/health-proverbs>
7. Jamoliddinova, Nilufar (2019) "Differentiated instructions in language classes: "one size does not fit all"," *Scientific Bulletin of Namangan State University*: Vol. 1 : Iss. 8 , Article 62. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss8/62>
8. Mirzayev T., Sarimsoqov B., O'zbek Xalq Maqollari «Sharq» tahririyati, T., 2005.: p.119
9. Paremiology. Wikipedia contributors. (2020, February 19). Paremiology. In *Wikipedia, The Free Encyclopedia*. Retrieved 19:09, July 7, 2020, from <https://en.wikipedia.org/w/index.php?title=Paremiology&oldid=941531056>
10. Peter Ďurčo (2014) *Empirical Research and Paremiological Minimum: Hrisztalina Hrisztova-Gotthardt, Melita Aleksa Varga (eds.) Introduction to Paremiology: A Comprehensive Guide to Proverb Studies*, Berlin. pp.183 -203
11. Proverb. Wikipedia contributors. (2020, July 1). Proverb. In *Wikipedia, The Free Encyclopedia*. Retrieved 19:44, July 7, 2020, from <https://en.wikipedia.org/w/index.php?title=Proverb&oldid=965418865>
12. Salomov G.(1961), Rus tilidan o'zbek tiliga maqol, matal va idiomalarni tarjima qilishga doir, Toshkent.:p.3

(Reviewer: T.Egamberdieva – doctor of pedagogical sciences. professor).

УДК: 41+4+371.302

МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШИ
ПОНЯТИЕ МЕЖКУЛЬТУРНОГО ОБЩЕНИЯ И ЕГО ФОРМИРОВАНИЕ
THE CONCEPT OF INTERCULTURAL COMMUNICATION AND ITS FORMATION

З.Позилжонова¹

¹ **З.Позилжонова**

– ҚДПИ катта ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада маданиятлараро мулоқот тушунчасининг келиб чиқиш тарихи ва унинг йиллар давомида шаклланиши ҳамда турли олимлар томонидан тадқиқ қилинганлиги ёритилган. Маданиятлараро мулоқотнинг чет тили дарсларидаги мақсад ва вазифалари баён қилинган.

Аннотация

В статье раскрывается историю происхождения понятия "межкультурное общение", его формирование и исследование многими учеными в течение многих лет. Дается толкование целей и задач межкультурного общения на уроках иностранного языка.

Annotation

This article reveals the history of the origin of the concept of "intercultural communication", its formation and research by many scientists for many years. It provides an interpretation of the purpose and objectives of intercultural communication in foreign language lessons.

Таянч сўз ва иборалар: маданиятлараро мулоқот, педагогика, дидактика, кўникма, малака, чет тили, беғона, билим.

Ключевые слова и выражения: межкультурная коммуникация, педагогика, дидактика, навык, квалификация, иностранный язык, чужой, знание.

Keywords and expressions: cultural communication, pedagogy, didactics, ability, skill, foreign language, strange, knowledge.

Ҳар бир миллат ва элатларнинг ўзига хос, ҳеч кимникига ўхшамайдиган мулоқот меъёрлари мавжудки, буларни билмай туриб турли мамлакат халқлари ўзаро мулоқотга кириша олмайдилар. Айнан шунинг учун ҳам чет тилларини ёки бир тилда сўзлашувчи турли худудларда яшовчи кишилар мулоқот хулқини ўрганишда уларнинг ўзига хос томонларини билишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бизга тилшунослик фанидан маълумки, мулоқот жараёни нафақат диалектга, шу билан бирга менталитетга ҳам боғлиқдир. Алоис Виерлахер ўз кузатишларида шуни таъкидлайдики, маданиятлар тўқнашган вазиятда оралиқ позицияни эгалловчи учинчи тартиб юзага келади. Бу янги "учинчи" иштирокчи иккала маданиятга ҳам мос келмайди ва иккаласининг уйғунлигини ҳам акс эттирмайди. Бутунлай янги турдаги ва аввалдан тахмин қилиб бўлмайдиган характердаги ўзаро муносабат тушунилади. Шу тариқа маданий ҳамжиҳатликни амалга оширадиган икки тарафлама тушуниш

жараёни содир бўлади[1,1-46]. Бу эса ўз навбатида, маданиятлараро мулоқот тушунчасининг шаклланишига олиб келади.

Атроф-муҳитнинг ва миллат-элатларнинг инсонга таъсири масаласига бўлган эътиборнинг ортиб бориши аста-секин "Маданиятлараро мулоқот" деган махсус фанни вужудга келтиради. 1921 йили америкалик олим Холл томонидан илк бор қўлланилган "Маданиятлараро мулоқот" дастлаб социологиянинг ажралмас қисмини билдирувчи атама сифатида тушунилган бўлсада, кейинчалик бу ном остида махсус фан шаклланиб, у билан нафақат социоллингвистика соҳаси ходимлари, балки педагогика, тилшунослик ва бугунги кунга келиб иқтисод ва ҳуқуқ соҳаси мутахассислари ҳам шуғуллана бошладилар.

«Маданиятлараро мулоқот» тушунчаси ҳозирги кунга келиб педагогик, психологик, дидактик адабиётларда кўп учрайдиган, қўлланиладиган атамага айланиб бормоқда. Бу соҳаларнинг ҳар бири маданиятлараро

мулоқот феноменини турли томондан, турли нуқтаи назардан тадқиқ қилади, ўрганади. Шу боис ҳам «маданиятлараро мулоқот» тушунчаси заминдаги маъно бироз ўзгариши, бир-биридан қўлланиш жиҳатидан фарқ қилиши мумкин. Таълимшунослик (Лингводидактика) соҳасида ҳам «маданиятлараро мулоқот» тушунчаси ўз хусусияти ва ўрнига эгадир. Маданиятлараро мулоқот (нем. Interkulturelle Kommunikation, инг. Culturell communication, рус. Межкультурная коммуникация) тушунчасини илмий жиҳатдан тўғри тасаввур этиш учун «Маданиятлараро мулоқот назарияси ва амалиёти» деб аталиб келинаётган янги соҳанинг лингвистика, филология, маданиятшунослик, педагогика, психология, социо-, психо-, этнолингвистика фанлари билан алоқасини ўрганиш ва улар қаторида тутилган мавқеини аниқлаш муҳим саналади. В.П.Фурманованинг фикрича маданиятлараро мулоқот муомала жараёнида маданиятларнинг яқинлашуви, бир маданият ракурсидан маданиятларни солиштириш, қиёслаш ракурсига ўтишдир. Чунки, бу жараёнда нутқий мулоқот турли маданият ва тилга мансуб кишилар ўртасида содир бўлади. Мулоқот жараёнида улар бир-бирларига, «бегона», «нотаниш» эканликларини ҳис қилиб турадилар. Бир мамлакатда турли маданият вакилларининг иноқ ва тинч-тотув яшашлари ҳақида Д. Т. Мальцева шундай ёзади: «Таълим шароитида ўқувчиларни маданиятлараро ҳамкорликка тайёрлаш, уларга маданиятлараро мулоқотни ўргатиш биринчидан, хорижий тилдаги кодларни ўзлаштири олиш учун нутқ фаолиятига оид кўникма ва малакаларни такомиллаштириш, иккинчидан, турли маданиятга мансуб коммуникантлар билан учрашганда, уларнинг маданиятини тушунишлари учун суҳбатдошининг маданияти билан яқиндан таништириш орқали амалга оширилади. Хорижий тил ва бегона маданиятни ўрганиш ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтиришига, тил бойлигини бойишига катта хизмат қилади». И. И. Халеева маданиятлараро мулоқот «турли маданиятга ва тилга мансуб кишиларнинг ўзаро ҳамкорлигининг специфик йиғиндиси» - деб эътироф этади. Олиманинг ёзишича шериклик, ҳамкорлик жараёнида турли маданиятга мансуб кишилар бир-бирларининг нафақат маданиятларидаги фарқни билиб, ҳис қилиб қолмай, балки, бир-бирларига «бегона» «ёт», «нотаниш» эканликларини ҳам ҳис қилиб турар

эканлар.

Маданиятлараро мулоқот назарияси ва амалиёти соҳаси айнан мана шу коммуникантлар ўртасидаги бир-бирига нисбатан одатий бўлмаган ғайритабиийликни йўқотиш, олиб ташлаш муаммолари устида илмий тадқиқотлар олиб боришни ўз олдиға мақсад қилиб қўяди. Чет тил дарслари орқали ўқувчиларни маданиятлараро мулоқот жараёнига тайёрлар эканмиз, ўрганилаётган хорижий тил, янги маданият уларнинг нафақат дунёқарашига шу билан бирга билим, идрок, хотираларини кенгайтиришга ҳам ижобий таъсир кўрсатади деб ҳисоблаймиз. Бу янги йўналишнинг АҚШда пайдо бўлишига, Америкалик сиёсатдонлар, дипломат ва ишбилармонларнинг бегона тил ва маданиятга мансуб ҳамкорлар билан турли муаммоларни ҳал қилишда юзага келадиган зарурат сабаб бўлган. 1946 йили Эдуард Холл раҳбарлигида «хорижда хизмат кўрсатиш институти» (Foreign Service Institute)ни ташкил этилиши, бу фанни янада ривожланишига олиб келди. 1959 йили чоп этилган Э. Холлнинг «The Silent Language» асарида маданият ва мулоқотнинг ўзаро алоқасини батафсил ёритиб беришга ҳарат қилади. Унинг фикрича «чет тил ўқитувчиси ўз ўқувчиларига тил материали (лексика, грамматика, фонетика)ни ўргатиш жараёнида нафақат уларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш, шу билан бир вақтда тили ўрганилаётган мамлакат(лар) маданияти билан яқиндан таништириш имконига эга бўлади». Э. Холл «коммуникация – бу маданият, маданият – бу коммуникация, маданият ўрганилар экан, демак, маданиятни ўргатиш керак»- деган фикрни илгари суради. Э. Холлнинг ғоя ва фикрларини К. Клакхон, Ф. Строрбек, Л. Самовар, Р. Портерлар давом эттирди.

1966 йили Берлинда илмий симпозиум бўлиб ўтди. Симпозиум ташкилотчилари, фанга янги йўналиш маданиятлараро мулоқот кириб келаётгани, унинг амалий аҳамияти тўғрисида маълумот бердилар. Шундан бери Германияда маданиятлараро мулоқот йўналиши бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Чет тил таълимини мамлакатшунослик материаллари ва маданият тўғрисидаги маълумотлар билан боғлаб олиб боришга катта эътибор берилди бошланди[2, 26]. Маданиятлараро мулоқот назарияси ва амалиёти «Маданиятлараро германистика» соҳасининг мақсад ва вазифалари, унинг асосий мазмуни ва ўрганиладиган асосий масалалари тўғрисида Байрот университети